ПАРАНОИД ШИЗОФРЕНИЯДА ЭМОЦИОНАЛ-ИРОДАВИЙ НУҚСОН ШАКЛЛАРИ, ОҒИРЛИК ДАРАЖАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ КЛИНИК-ДИНАМИК ХУСУСИЯТЛАРИ (АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ)

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада шизофрениaning асосий патогенетик механизми сифатида эмоционал-иродавий нуқсон (ЭИН) тушунчаси кенг қамровли таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан ЭИНнинг табиий моҳияти, унинг клиник шакллари, оғирлик даражалари ва динамикаси хусусида назарий ва амалий ёндашув асосида асосланган. Шизофрениа мослашувчан, бироқ энергетик жиҳатдан паст фаолият даражасига ўтиш орқали ички мувозанатни сақлаб қолишга қаратилган касаллик сифатида баҳоланади. Мақолада ЭИНнинг прогрессив жараён сифатида қандай чуқурлашиши, унинг когнитив бузилишлар билан ўзаро боғлиқлиги ва функционал оқибатлари ёритилган. Шунингдек, МКБ-10да ЭИН оғирлик даражаларини таснифлашнинг йўқлиги танқид қилинади ва ТСЭ ҳамда суд-психиатрия амалиётида уларни клиник мезон сифатида жорий этиш зарурлиги асослаб берилади.

Калит сўзлар: шизофрениа, эмоционал-иродавий нуқсон, когнитив бузилишлар, прогрессивлик, клиник шакллар, динамика, адаптация.

Кириш. Шизофрениа рухий касалликлар орасида энг мураккаб ва серқиррали ҳисобланиб, унинг клиник кўринишлари, патогенетик механизмлари ва кечиш хусусиятлари ҳалигача психиатрия соҳасида кенг баҳсларга сабаб бўлиб келмоқда [9, 13]. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда шизофрениaning ягона ва умумэтироф этилган концепцияси мавжуд эмас.

Турли назарий ёндашувлар, жумладан нейробиологик, генетик, психодинамик ва мослашув (адаптация) концепциялари шизофрениянинг жиҳатларини ёритишига қарамасдан касалликнинг туб моҳиятини тўлиқ тушунтириб бермайди [3].

Шунинг учун ҳам шизофренияга нисбатан янгича ёндашувлар ишлаб чиқиш замон талабидир. Бу борадаги йўналишларда шизофрения организмнинг, айниқса, асаб-руҳий тизимнинг патологик шароитларда энергетик жиҳатдан тежамкор, бироқ барқарор фаолият шаклига мослашуви сифатида қаралади [1,2]. Бу мослашув жараёнининг марказий механизми сифатида **эмоционал-иродавий нуқсон (ЭИН)** назарда тутилади. Унинг шаклланиши, оғирлик даражалари ва динамикаси эндоген жараённинг кечишини ва башоратини белгилаб беради.

ЭИНнинг чуқурлашуви шизофрениянинг прогрессив характерга эгаллигига далолат беради, унинг клиник шакллари эса ирсий механизмлар билан боғлиқ индивидуал реакция турларини акс эттиради. Шунингдек, когнитив бузилишлар ЭИНнинг иккинчиламчи натижаси сифатида кўриб чиқилади ва эмоционал-иродавий соҳадаги энергетик нуқсоннинг когнитив функцияларга экстраполяцияси сифатида таҳлил этилади [2].

Мазкур ёндашув шизофрениянинг клиник диагностикаси, прогнозини баҳолаш, тиббий-ижтимоий экспертиза ва суд-психиатрия амалиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган янги илмий асосларни шакллантиришга хизмат қилади.

Муҳокама. Шизофрения — бу асаб ва психик фаолиятнинг мослашувчан қобилияти бўлиб, организм долзарб эҳтиёжларни қондириш блокланган, асаб-руҳий зўриқиш юзага келган ҳолатда ўзининг функционал ташкилотини сақлаб қолиш мақсадида нисбатан паст, бироқ барқарор энергетик даражада ишлашга ўтишни амалга оширади [3]. Бошқача айтганда, шизофрения биологик жиҳатдан организмда нерв-психик силжиш, ички хаос ҳолати ва ўткир психотик бузилиш орқали шаклланадиган ўзига хос эмоционал-иродавий нуқсон (ЭИН) орқали ўз ифодасини топади. Ушбу нуқсон патологик шароитда асаб ва бутун организмнинг мослашувчан энергетик даражасини белгилаб беради. Айни шу нуқсон — шизофрениянинг моҳияти, яъни унинг квинтэссенциясидир.

ЭИН шаклландиган сўнг организмнинг аввалги энергетик даражасига қайтиши амримаҳол бўлиб қолади. Бу — энтропиянинг ортиши, яъни тизимда беқарорлик даражасининг ошиб бориши билан изоҳланади. Синергетика нуқтаи назаридан қаралганда, шизофрения ҳолатида организм бифуркация нуқтасидан ўтади ва аттрактор таъсирида энергия жиҳатдан пастроқ, бироқ барқарорроқ даражага "йиқилади". Бу жараён мослашувчан диссипатив (энергия тарқатувчи) структураларнинг вужудга келиши ва энтропиянинг ошиши билан биргаликда кечади [4, 5].

Шизофренияда кузатиладиган продуктив психик бузилишлар (галлюцинация, бред ва ҳ.к.) унинг махсус белгиси эмас, балки патологик шароитда асаб ва психик фаолиятнинг умумий қонуниятлари асосида шаклландиган ҳолатлардир. Яъни, бундай симптомлар шизофренияга хос бўлган хусусият сифатида эмас, балки бошқа руҳий касалликларда ҳам кузатилиши мумкин бўлган умумий функционал жараёнлар сифатида баҳоланади [6].

Шизофрениянинг кечиш турлари. Шизофрениянинг кечиш турлари — эндоген жараённинг ҳаракат табиати, динамикаси ва прогрессивлик (ўткирлашувга мойиллик) даражасини акс эттирувчи кўрсаткич ҳисобланади. Жараённинг ўткир намоён бўлиши ҳар доим ҳам унинг оғир кечишига далолат бермайди, аксинча, баъзи ҳолларда бу кўпроқ енгил шаклларда учрайди.

Шизофрениянинг прогрессив характери (яъни патологиянинг узоқ муддатли ва кечиктирилмас ривожланиш хусусияти)ни баҳолаш учун қуйидаги мезонлар асос қилиб олинади:

- а) Эмоционал-иродавий нуқсон (ЭИН)нинг ифодаланиш даражаси;
- б) ЭИН шаклланишининг тезлиги;
- в) Эндоген жараённинг даволашга нисбатан резистентлиги (бевосита бўлмаса-да, билвосита кўрсаткич сифатида).

Иккинчи термодинамика қонунига мувофиқ, эндоген жараёнда прогредиентлик даражаси фақат ёмон томонга ўзгариши мумкин — яъни, сушт ва кампрогредиент шакл злокачестванна (яъни прогресс қилувчи) шаклга ўтиши мумкин, аммо аксинча жараён ривожланмайди.

Халқаро касалликлар таснифи (МКБ-10)да шизофрениянинг эпизодик кечиш тури (яъни доимий нуқсон сақланиб, касаллик эпизодлар билан намоён бўлади) сифатида ажратилиши баҳсли ҳисобланади. Чунки бу ёндашув шизофрениянинг биологик концепциясига зид: яъни, бу касаллик асаб-психик фаолиятнинг патологик шароитда энергия жиҳатидан паст, бироқ барқарор фаолият даражасига мослашувчан ўтишини англатади. ЭИН — бу патологик шароитда нерв психикасининг адаптив фаолият шаклидир. Шу боис ҳар бир шизофрения хуружи ЭИН оғирлигининг ортишига олиб келиши керак. Агарда доимий нуқсон мавжуд бўлса, аффектив белгилари бўлмаган ҳолда «циркуляр психоз» ҳақида сўз юритиш мушкул. Бундай ҳолатларда эҳтимол, шизофрениянинг эпизод эмас, балки ЭИН декомпенсациясининг турли вариантлари ҳақида фикр юритиш мақсадга мувофиқ [7].

ЭИН декомпенсацияси фазаси, яъни динамик псевдопсихопатик ҳолат шизофрения эпизодидан фарқланиши лозим. Чунки псевдопсихопатик декомпенсация ҳолатида шизофренияга хос бўлган автохтонлик (ички келиб чиқиш), клиник манзаранинг сифат жиҳатидан кенгайиши ва ЭИН чуқурлашуви кузатилмайди. Бундан ташқари, бундай декомпенсация ҳолатлари кўпроқ ижтимоий стресс, экзоген (ташқи) ёки соматоген (жисмоний) омиллар билан боғлиқ ҳолда рўй беради.

Шунингдек, МКБ-10да шизофрениянинг ремиттирувчи (яъни белгилар йўқолиб, вақт ўтиб қайта намоён бўлувчи) турини ажратиш ҳам шубҳа уйғотади. Бу ҳолат, эҳтимол, шизоаффектив психоз шизофрениядан ажратиб олингани каби, алоҳида нозологик бирлик сифатида қаралиши керак бўлади.

Шизофрениянинг клиник шакллари. Клиник шакллар — бу шизофрениянинг клиник доирадаги намоён бўлишлари бўлиб, улар асаб психикасининг зарарли омилларга нисбатан махсус, индивидуал ва ирсий дастурлаштирилган ҳимоявий реакциялар асосида шаклланадиган жавоб хусусиятларини ифода этади. Бир беморда бир клиник шаклнинг бошқасига алмашиши мумкин эмас, чунки улар мавжуд генотипларнинг хилма-хиллигини акс эттиради [8].

Барча шизотипик шаклларни кампрогредиент (илгариллашуви сушт) жараёнлар деб баҳолаш методологик хатолик ҳисобланади. Асаб психикасининг паст реактивлиги, жараённинг ўткир эмаслиги ёки клиник манзаранинг тўлиқ намоён бўлмаганлиги шизофрениянинг прогредиентлик даражасини баҳолашда ишончли мезонлар эмас. Аксинча, шизотипик шакллар кўпинча беморнинг психик ҳаётида сўнғилик, шахсий ўзгаришлар, аутизация, апато-абулик нуқсонлар, ижтимоий мослашувнинг бузилиши ва ногиронликка олиб келиши мумкин.

Шу билан бирга, клиник манзаранинг кенг намоён бўлиши ёки жараённинг ўткир кечиши ҳам доимо оғир оқибатларга олиб келмайди. Баъзи беморлар шундай клиник кўринишларга қарамай, узоқ муддат меҳнат фаолиятини сақлаб қолади, ижтимоий жиҳатдан мослашган ҳолда яшашда давом этади ва «сақланган» шахс сингари кўринади.

Шизофрения клиникасида аффектив бузилишлар (хусусан, депрессия аломатлари)нинг мавжудлиги, шахсда депрессив ҳимоя механизмлари ишга тушганлигидан далолат беради. Бу ҳимоя механизми асаб хужайраларининг заиф ва чарчаган ҳолатда эканлигини кўрсатади. Бундай ҳолда улар адаптив тормозлаш орқали ўзини деструкциядан (йўқ бўлишдан) муҳофаза қилади. Шу сабабли, шизофрениянинг бундай шаклларида антидепрессантларни қўллаш эҳтиёткорлик билан амалга оширилиши лозим. Чунки антидепрессантлар аффектив ҳимоя механизмларини сусайтириб, касаллик кечишини оғирлаштириши мумкин [9].

Шизофрениянинг оқибатлари. Шизофрения эпизодининг асосий оқибати — бу нерв-психик нуқсон шаклланишидир. Невр-психик нуқсон — шахсиятнинг парчаланишига олиб келувчи, барқарор равишда йўқолган ёки бўлиниб кетган психик функциялар йиғиндисидан иборат бўлган дефицитар симптомлар комплекси ҳисобланади [10]. Бошқача айтганда, психик

функцияларнинг бўлиниши (диссоциацияси) — уларнинг йўқолишига тенглашадиган ҳолатдир.

Шаклланган психик нуқсон қайтариб бўлмайдиган (қайтмас) хусусиятга эга, яъни уни тўлиқ бартараф этиш мумкин эмас. Бироқ ушбу нуқсон маълум даражада компенсацияга учраши мумкин — бу беморнинг қолган руҳий ва интеллектуал имкониятларини сафарбар этиш орқали унинг фаолиятини тиклашга ёрдам беради [7, 10].

Шизофрениядаги асаб-руҳий нуқсоннинг тузилиши. Шизофренияда шаклланадиган асаб-руҳий нуқсон тузилиш жиҳатидан икки асосий таркибий қисмдан иборат:

1. Эмоционал-иродавий нуқсон (ЭИН);
2. Когнитив бузилишлар.

Эмоционал-иродавий нуқсон (ЭИН) — шизофрения патогенезидаги марказий ва бирламчи компонент бўлиб, мазкур касалликнинг моҳиятини ифода этадиган энг хос белгилардандир. У асаб-психик тизимнинг реактивлик даражасининг мослашувчан равишда пасайиши билан тавсифланади. ЭИНнинг чуқурлашуви эндоген жараённинг прогрессивияти (илгарилаб борувчи) хусусиятининг асосий клиник мезони сифатида қаралади. У, асосан, миянинг лимбик ва фронтал тузилмалар фаолиятининг сусайиши билан боғлиқ бўлган энергетик нуқсонни акс эттиради [1, 11, 12].

Когнитив бузилишлар — фикрлаш, хотира, диққат ва тафаккур жараёнларидаги пасайиш ва диссоциация — ЭИНнинг функционал экстраполяцияси сифатида намоён бўлади. Улар иккинчиламчи (секундар) характерга эга бўлиб, эмоционал-иродавий соҳадаги нуқсоннинг когнитив функцияларга таъсири орқали юзага чиқади. Бу ҳолат, биринчи навбатда, мотивация ва мақсадга йўналтирилган фаолиятнинг пасайиши орқали намоён бўлади [1, 13].

Когнитив бузилишларни баҳолашда уларнинг ЭИН билан боғлиқлиги, яъни ички энергетик функциялардан келиб чиққан ҳолда шаклланишига алоҳида эътибор қаратилиши лозим. ЭИН ва когнитив бузилишлар ўзаро боғлиқ бўлиб, бир-бирини кучайтирувчи патоген жараён сифатида шахсдаги танқиднинг йўқолиши, ижтимоий пассивлик ва шахсий деградацияга олиб келади.

Қуйидаги 1-жадвалда турли ЭИН шакллари ва улар билан боғлиқ когнитив бузилишларнинг ўзаро мувофиқлиги келтирилган.

1-жадвал

ЭИН шакллари ва улар билан боғлиқ когнитив бузилишларнинг ўзаро мувофиқлиги

ЭИН шакли	Когнитив функцияларга таъсири	Натижа
Апато-абулик	Фикрлаш жараёнини тўхтатади	Ижтимоий пассивлик, танқид йўқолиши
Диссоциатив	Фикрлашда парчалануш юзага келади	Логик мувозанат йўқолиши, иррационал хулқ
Шизотипик	Символик фикрлашга оғиш	Оддийлаштирилган бефарқ қарашлар
Астеник	Диффуз диққат ва хотира пасайиши	Мақсадлилиқнинг пасайиши

ЭИН қайтарилмас хусусиятга эга бўлиши мумкин, бироқ у айрим ҳолларда маълум даражада компенсацияга учраши мумкин. Бу компенсация қолган руҳий имкониятларни сафарбар этиш орқали амалга ошади.

Шизофренияда ЭИНнинг қуйидаги клиник турларини ажратиш кўрсатиш мақсадга мувофиқ:

1. **Астеник**
2. **Ипохондрик**
3. **Диссоциал**
4. **Четланувчи (ижтимоийдан узоқлашувчи)**

5. Шизотипик
6. Аутизмсимон
7. Диссоциатив
8. Апато-абулик
9. Параорганик — болалар ва ўсмирларда асаб-руҳий дизонтогенез фонида юзага

келади.

Қуйидаги 2-жадвалда ЭИНнинг клиник турлари ва уларнинг хусусиятлари келтирилган.

2-жадвал

ЭИНнинг клиник турлари ва уларнинг хусусиятлари

ЭИН клиник тури	Асосий психопатологик хусусиятлар	Йўналиши/намойиш шакли
Астеник	Зўриқувчанлик, чарчоқ, пассивлик	Ижтимоий узоқлашув, сустлик
Ипохондрик	Соғлиқдан ҳаддан ташқари хавотир	Соматоформ шикоятлар
Апато-абулик	Ҳиссий хўжаликнинг сўниши	Мотивация ва иродавий пасайиш
Диссоциал	Нормаларга нисбатан бефарқлик	Қонунбузарлик, ижтимоий ҳимоясизлик
Четланувчи	Жамиятдан изоляция, муносабатлардан қочиш	Аутизмга мойиллик
Шизотипик	Экцентрик хулқ, фантазияга берилиш	Шахсий узоқлашиш
Аутизмсимон	Ички ҳаётга чўмганлик	Узоқ мулоқотсизлик
Диссоциатив	Ихтиёрий ва ҳиссий соҳадаги парчаланиш	Хулқда номақбуллик, ички қарама-қаршилиқ
Параорганик	ЭИНнинг болалардаги кўриниши	Дизонтогенез фонида

Ушбу ЭИН турлари бемордаги **негатив статик ҳолатлар** вариантларини акс эттиради, уларнинг асосини энергетик нуқсоннинг ифодаланиш даражаси ташкил этади. ЭИНнинг **психотик турларини** ажратиш методологик хатолик ҳисобланади, чунки бундай ёндашув ЭИНни статик ҳолат сифатида эмас, балки ремиссия, динамика ёки эпизод шаклида баҳолайди, бу эса шизофрениянинг табиий моҳиятига зиддир.

Шунингдек, коматоз терапия, электросудоралик усули ёки нейролептикларнинг юқори (токсик) дозаларда қўлланилиши беморда **психоорганик синдром** ривожланишига олиб келиши мумкин.

Қуйидаги 3-жадвалда ЭИНнинг клиник турлари ва оғирлик даражаларининг ўзаро мувофиқлиги келтирилган.

3-жадвал

ЭИНнинг клиник турлари ва оғирлик даражаларининг ўзаро мувофиқлиги

ЭИН тури	Енгил	Ўртача	Оғир
Астеник	+		
Ипохондрик	+	+	
Апато-абулик		+	+
Диссоциал		+	
Четланувчи		+	+
Шизотипик	+	+	
Аутизмсимон		+	+
Диссоциатив			+
Параорганик		+	+

Эмоционал-иродавий нуқсоннинг оғирлик даражалари. Ҳозирги вақтда Халқаро касалликлар классификацияси (МКБ-10)да эмоционал-иродавий нуқсон (ЭИН)нинг оғирлик даражаларини ажратиш назарда тутилмаган. Бироқ бу масала тиббий-ижтимоий экспертиза (МСЭ) ва суд-психиатрия амалиётида жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки ЭИН оғирлик даражаси беморнинг шахсий ва ижтимоий адаптация қобилиятини баҳолашда ҳал қилувчи мезон ҳисобланади.

ЭИНнинг энг оғир шакллари — **диссоциатив** ва **апато-абулик** турларидир. Ушбу шакллар шизофрениянинг эндоген жараённинг якуний ҳолатини ифода этади ва одатда қайтарилмас нуқсонлар билан кечади. Уларнинг морфофункционал асоси мавжуд бўлиб, бу ҳолат **лимбик тизимнинг олд қисмлари** ҳамда **миянинг пешона бўлимлари**даги атрофик ўзгаришлар билан изоҳланади [14].

ЭИН оғирлик даражалари эндоген жараённинг прогредиент (илгарилаб борувчи) хусусиятини акс эттиради. Яъни ҳар бир янги хуруж бемордаги ЭИН даражасининг чуқурлашувига сабаб бўлади. Мавжуд клиник амалиётда шизофренияга қаратилган махсус терапия эпизод натижасига оз даражада таъсир кўрсатади. Чунки ЭИН шаклланиш жараёни бошланган пайтда, организм аллақачон **бифуркация нуқтасидан ўтган бўлади**, бу эса тизимнинг аввалги ҳолатга қайтиш имкониятини йўққа чиқаради [4, 5].

Шу боис, шизофрениядаги ЭИН оғирлик даражаларини аниқлаш ва уларни махсус клиник меъёрлар асосида таснифлаш зарур. Бу нафақат диагнозни аниқлаш, балки реабилитация, ногиронликни баҳолаш, суд-психиатрия жараёнлари ҳамда даволаш тактикаси учун ҳам катта амалий аҳамиятга эга.

Шизофренияда эмоционал-иродавий нуқсоннинг оғирлик даражалари клиник ва ижтимоий мезонларга асосланиб қуйидаги уч даражада таснифланади:

1. **Енгил даражадаги ЭИН.** Бундай ҳолатда астения (қувватсизлик), ҳаракатларда грациянинг йўқолиши, резонанс-эмоционал реакциялар пасайиши (РЭР), гипобулия (иродавий фаолият сусайиши), енгил микрокататония белгилари, аутизм элементлари, фикрлашда мақсадга йўналтирилганликнинг заифлашуви кузатилади. Бемор касалликка нисбатан танқидий муносабатга эга эмас, бу эса шизофрениянинг илк босқичидаёқ нуқсонли деперсонализация мавжудлигини кўрсатади. Бундай шахслар жамиятга нисбатан субадаптацияланган, меҳнат қобилияти чекланган. Бу ҳолат, одатда, 3-группа ногиронлик билан баҳоланади.

2. **Ўртача даражадаги ЭИН.** Апато-абулик нуқсон белгиларининг яққол намоён бўлиши, амбивалентлик (икки қарама-қарши ҳис-туйғулар бир вақтда мавжудлиги), аутизм, фикрлашда диссоциация, иккинчи даражали кататония белгилари ва нуқсонли деперсонализация кузатилади. Касалликка танқид йўқ. Бундай беморлар жамиятда тўлиқ мослашмаган, меҳнат қобилияти йўқолган, меҳнат фаолияти фақат махсус меҳнат терапия муассасаларида (ЛТМ) амалга оширилиши мумкин. Бу ҳолат 2-группа ногиронликга мос келади.

3. **Яққол ифодаланган (оғир) ЭИН.** Руҳий фаолиятнинг тўлиқ парчаланиши ва вайрона бўлиши билан кечади. Бу — эндоген жараённинг якуний ҳолатидир. Бундай беморлар тўлиқ парваришга муҳтож ва кундалик турмуш фаолиятини мустақил бажара олмайди. Бу ҳолат 1-группа ногиронликка мос келади.

Қуйидаги 4-жадвалда ЭИНнинг оғирлик даражалари келтирилган.

4-жадвал

ЭИНнинг оғирлик даражалари

Оғирлик даражаси	Клиник хусусиятлар	Ижтимоий мослашув	Ногиронлик гуруҳи
Енгил	Астения, гипобулия, аутизм, мақсадга йўналтирилганликнинг заифлиги	Субадаптация, меҳнат қобилияти чекланган	III гуруҳ

Ўртача	Апато-абулик ҳолат, амбивалентлик, фикрлашда диссоциация	Дезадаптация, фақат ЛТМда ишлаши мумкин	II гуруҳ
Оғир	Психик фаолиятнинг тўлиқ парчаланishi, қарамлик	Тўлиқ ижтимоий деградация	I гуруҳ

Бу тартиблaшган тизим шизофрениянинг клиник динамикасини тўғри баҳолаш, психиатрияда прогноз ва реабилитация стратегиясини белгилаш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Шизофренияда эмоционал-иродавий нуқсон (ЭИН) динамикаси. Эмоционал-иродавий нуқсоннинг (ЭИН) динамикаси шизофрениянинг кечиши ва прогнозини баҳолашда муҳим мезон ҳисобланади. Унинг қуйидаги асосий йўналишлари ажратилади:

1. ЭИНнинг кучайиши — эндоген жараённинг прогредиент характерига мос келади. Бу ҳолатда нуқсон чуқурлашади, шахсий ва ижтимоий фаолият сезиларли даражада заифлашади.

2. ЭИНнинг барқарорлашуви — шизофрения хуружидан сўнг нуқсоннинг муайян энергетик даражада тўхтаб қолиши, патологик барқарорлик ва дефицитар гомеостазнинг шаклланиши билан тавсифланади. ЭИНнинг барқарор ёки компенсацияланган шакли 3–5 йил давомида ўзгаришсиз сақланса, шартли равишда барқарорлашган деб баҳоланади.

Барқарор ЭИН динамикаси псевдопсихопатия клиникасига хос ҳолатни намоён этади ва у қуйидаги икки асосий фазада кечади:

а) Компенсация фазаси — ЭИН белгилари бироз юмшоқлашади, бемор хулқ-атворида маълум бир тизимлилик пайдо бўлади, меҳнат жараёнларига жалб этилиши мумкин. Бироқ бемор оилада ва жамиятда тўлиқ адаптациялашмаган, яъни субадаптацияланган ҳолда қолади.

б) Декомпенсация фазаси — ЭИН белгилари яна кучаяди, астения, фозсимон шикоятлар, аффектив беқарорлик, субпсихотик симптомлар, хулқ-атвор бузилишлари, алкоголизация, ижтимоий мослашувнинг йўқолиши ва деградация билан намоён бўлади.

Қуйидаги 5-жадвалда ЭИНнинг динамикаси фазалари ва уларнинг клиник тавсифи келтирилган.

5-жадвал

ЭИНнинг динамикаси фазалари ва уларнинг клиник тавсифи

Фаза	Клиник тавсиф	Терапевтик ёндашув
Кучайиш (прогрессия)	ЭИН чуқурлашади, негатив симптомлар ортиб боради	Антипсихотик терапия
Барқарорлашув	Патологик гомеостаз, белгиланган нуқсон шаклланади	Реабилитация, психотерапия
Компенсация (псевдопсихопатик)	Хулқ тартиби бир маромда, лекин ижтимоий фаоллик чекланган	Психотерапия, ижтимоий ёрдам
Декомпенсация (псевдопсихопатик)	Астения, аффектив беқарорлик, субпсихотик ҳолатлар	Симптоматик даволаш, экзоген омилларни бартараф этиш

Псевдопсихопатия декомпенсацияси эндоген жараён кучайишидан фарқланиши лозим. Чунки бунда:

- клиник манзарада сифат жиҳатидан янгилик ва кенгайиш бўлмайди,
- шизофренияга хос автохтонлик (ички келиб чиқиш),
- негатив симптоматиканинг кучайиши кузатилмайди.

Бундай ҳолатлар кўпроқ ижтимоий стресс, экзоген (ташқи) ва соматоген (жисмоний) омиллар билан боғлиқ бўлади.

Псевдопсихопатия динамикаси фазаларида беморда шизофрениянинг прогредиент шакли кузатилмайди, шу боис антипсихотик воситалар билан махсус даволаш талаб этилмайди. Бундай ҳолатларда симптоматик даволаш, индивидуал психотерапия ва ижтимоий ёрдам – реабилитация тадбирларини амалга оширилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади [15].

Амалий тавсиялар. Эмоционал-иродавий нуқсон (ЭИН)ни унинг клиник шакллари ва оғирлик даражалари асосида баҳолаш шизофрения билан оғриган беморларнинг диагностикаси, дифференциал таҳлили, даволаш тактикаси ва реабилитация жараёнини тўғри йўналтиришда муҳим аҳамият касб этади. ЭИНнинг стандартлаштирилган мезонлар асосидаги таснифи тиббий-ижтимоий экспертиза (МСЭ)да ногиронлик даражасини аниқлаш, шунингдек, суд-психиатрия амалиётида беморнинг ижтимоий фаолияти ва ҳуқуқий имкониятларини холис баҳолашга ёрдам беради. Когнитив бузилишларнинг ЭИН билан узвий боғлиқлиги ушбу нуқсоннинг фақат ҳиссий-иродавий эмас, балки интеллектуал функцияларга ҳам таъсирини очиб беради, бу эса беморнинг шахсий ва ижтимоий мослашув қобилиятини комплекс баҳолаш имконини яратади. Шу билан бирга, псевдопсихопатик динамикани аслий эндоген обостренидан фарқлаш клиник амалиётда ортикча нейрорептик юктамалардан сақланиш, беморни патогенетик эмас, балки симптоматик даволашга мўлжалланган индивидуал ёндашувга ўтказишга имкон беради. ЭИНнинг шаклланиши ва динамикасини эрта аниқлаш эса беморнинг когнитив ва ижтимоий функцияларини максимал даражада сақлаб қолиш, комплекс терапевтик ва психо-социал реабилитацияни ўз вақтида бошлаш орқали прогнозни яхшилашга хизмат қилади.

Хулоса. Шизофрения — бу миянинг барқарор, паст энергетик ҳолатга мослашиш орқали функционал яхлитликни сақлаб қолишга қаратилган касаллик шакли бўлиб, унинг асосий механизми эмоционал-иродавий нуқсон (ЭИН) ҳисобланади.

ЭИНнинг чуқурлашуви шизофрениянинг оғирлашувчи (прогредиент) характерини кўрсатади ва ҳар бир хуруж когнитив бузилишлар орқали шахснинг фикрлаш жараёнларини издан чиқаради.

Касалликнинг эрта босқичидаёқ шахсий "Эго" тизимидаги ўзгаришлар танқид йўқлиги ва деперсонализация орқали намоён бўлиб, бу шизофрениянинг қайтарилмас, аммо муайян даражада компенсацияланувчи хусусиятга эга эканлигини кўрсатади.

REFERENCES| ЧОШКИ | IQTIBOSLAR:

1. Alimdjanovich, R. J., & Astanovich, A. A. (2023). Development of dental care in uzbekistan using a conceptual approach to improve its quality. *Central Asian Journal of Medical and Natural Science*, 4(4), 536-543.
2. Alimdjanovich, R. J., Abdujamilevich, S. A., & Bakhriddnovich, T. A. (2021). The State of Periodontal Tissues in Athletes Engaged in Cyclic Sports. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 25(1), 235-241.
3. Andreasen, N. C., Carpenter Jr, W. T., Kane, J. M., Lasser, R. A., Marder, S. R., & Weinberger, D. R. (2005). Remission in schizophrenia: proposed criteria and rationale for consensus. *American Journal of Psychiatry*, 162(3), 441-449.
4. Barch, D. M., & Ceaser, A. (2012). Cognition in schizophrenia: core psychological and neural mechanisms. *Trends in cognitive sciences*, 16(1), 27-34.
5. Cannon, W. B. (1929). Organization for physiological homeostasis. *Physiological reviews*, 9(3), 399-431.
6. Castellanos, J. F. G., Jiménez, M. R., Chang, A. J. B., Pelayo, A. M. Z., & Meza, E. A. C. (2023). Más allá de lo habitual: Nuevos enfoques en la terapia de la esquizofrenia resistente. *Archives of Evidence-Based Medicine*, 1(2), 37-55.
7. Fusar-Poli P., Meyer-Lindenberg A. Striatal presynaptic dopamine in schizophrenia, part II: meta-analysis of [18F/11C]-DOPA PET studies //Schizophrenia bulletin. – 2013. – Т. 39. – №. 1. – С. 33-42.

8. Green, M. F. (2016). Impact of cognitive and social cognitive impairment on functional outcomes in patients with schizophrenia.
9. Howes, O. D., & Kapur, S. (2009). The dopamine hypothesis of schizophrenia: version III—the final common pathway. *Schizophrenia bulletin*, 35(3), 549-562.
10. Insel, T. R. (2010). Rethinking schizophrenia. *Nature*, 468(7321), 187-193.
11. Kahn, R. S., Sommer, I. E., Murray, R. M., Meyer-Lindenberg, A., Weinberger, D. R., Cannon, T. D., ... & Insel, T. R. (2015). Schizophrenia (primer). *Nature Reviews. Disease Primers*, 1(1).
12. Keefe, R. S., & Harvey, P. D. (2012). Cognitive impairment in schizophrenia. Novel antischizophrenia treatments, 11-37.
13. Kirkpatrick, B., Fenton, W. S., Carpenter Jr, W. T., & Marder, S. R. (2006). The NIMH-MATRICES consensus statement on negative symptoms. *Schizophrenia bulletin*, 32(2), 214-219.
14. Leonchuk, S. L., & Leonchuk, S. S. (2017). Emotional Volitional Defect—Quintessence of Schizophrenia. *Acta Psychopathol*, 3, 3.
15. Millan, M. J., Agid, Y., Brüne, M., Bullmore, E. T., Carter, C. S., Clayton, N. S., ... & Young, L. J. (2012). Cognitive dysfunction in psychiatric disorders: characteristics, causes and the quest for improved therapy. *Nature reviews Drug discovery*, 11(2), 141-168.
16. Millan, M. J., Fone, K., Steckler, T., & Horan, W. P. (2014). Negative symptoms of schizophrenia: clinical characteristics, pathophysiological substrates, experimental models and prospects for improved treatment. *European neuropsychopharmacology*, 24(5), 645-692.
17. Miyamoto, S., Miyake, N., Jarskog, L. F., Fleischhacker, W. W., & Lieberman, J. A. (2012). Pharmacological treatment of schizophrenia: a critical review of the pharmacology and clinical effects of current and future therapeutic agents. *Molecular psychiatry*, 17(12), 1206-1227.

БИОМЕДИЦИНА ВА АМАЛИЁТ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ БИОМЕДИЦИНЫ И ПРАКТИКИ

JOURNAL OF BIOMEDICINE AND PRACTICE

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000